

## “МАЬОРИФУН НАСАБ” - ТАРИХИЙ НАСР НАМУНАСИ

Рашид Зохидов

филология фанлари доктори (DSc), ТДТАУ профессори

### ARTICLE INFO.

**Калит сўзлар:** “Маорифун насаб”, Бобожон Саноий, Ҳасанмурод күшбеги, тарихнавислик, тарихий наср, достон, таркибий структура, мажоз.

### Аннотация

Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилаётган “Европа фондларида сақланаётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмаларнинг маълумотлар базасини ва “Yevroturcologica.uz” электрон платформасини яратиш” инновацион лойихаси доирасида тайёрланган ушбу мақолада XIX-XX аср боши Хива адабий мухитининг йирик вакилларидан Бобожон Саноийнинг Берлин давлат кутубхонасида сақланаётган “Маъорифун насаб” (“Насабни таниш”) номли қўлёзманинг тарихий наср ривожидаги ўрни, қўлёзманинг таркибий тузилиши, шунингдек, табдил ва таҳрир жараёнида кузатилган хусусиятлар ҳақида илк маълумотлар берилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

**Кириш.** Ҳар бир халқнинг ўзлигини белгиловчи миллий маданият тушунчаси халқаро сатҳда мисли кўрилмаган тарзда глобаллашаётган бир замонда асосий эътиборни халқнинг ўзига хослигини сақлаб қолишига қаратиш тарихий ўзлигига эга ва бу эгаликни таниган ҳар бир миллат учун энг ишончли йўл ҳисобланади. Айни ҳақиқат тўғри англангани учун ҳам бугун дунё фондларида сочилиб ётган қадимий ёзма манбаларимизга жиддий эътибор қаратиляпти, соҳа олимларини шу мақсад йўлида жипслалишига ундаляпти, токи ўзбек халқи ўзининг шонли тарихи билан ўзлигини сақлаган ҳолда жаҳон ҳамжимиятида ўзининг муносаб ўрнига эга бўлсин. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилиши мўлжалланган “Европа фондларида сақланаётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмаларнинг маълумотлар базасини ва “Yevroturcologika.uz” электрон платформасини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиха асосида XIX-XX аср боши Хива адабий мухитининг йирик вакилларидан Бобожон Саноийнинг Берлин давлат кутубхонасида<sup>1</sup> ягона нусхада сақланаётган “Маъорифун насаб” (“Насабни таниш”) номли дастхат нусха қўлёзмасининг фотонусхаси Ватанимизга олиб келинди.

XIX аср иккинчи ярми Хива хонлигининг муҳим ва мураккаб бир даври ҳақида жонли маълумот берувчи “Маъорифун насаб” қўлёзмасининг табдили давр тарихини ўрганувчи мутахассислар учун ва албатта – манбашунос, матншунос, адабиётшунос, тилшунос олимлар учун ниҳоятда зарур тадқиқот манбаидир. Асарнинг тарихий манба сифатидаги қиймати шундаки, муаллиф ўзи тасвирлаётган воқеликка яқин замонда яшаган, балки қайсиadir даражада бу тарихда иштирок этган. Кўзи билан кўрган манзараларни чизиш, энг камида, воқеликка гувоҳ бўлган кишидан

<sup>1</sup> Staatsbibliothek zu Berlin.

эшитиб уни қоғозга тушириш ҳаққоний тарихнависликни белгиловчи омиллардан биридир. Кўлёзмада “Равзатус сафо”, “Таворихи анбиё”, “Низомут таворих”, “Хукамо тарихи”, “Шажараи Сайд Муқимхоний”, “Тазкиратуш шуаро”, “Мирсадул ибод”, “Зафарнома” каби кўплаб манбаларга мурожаат қилинганки, манбашунослар учун “Маъорифун наасаб” асарининг бу манбалар билан боғлиқ жиҳатларини комплекс ўрганиш тарихий ва адабий манбашунослик учун бой назарий ва амалий натижаларни бериши мумкин.

XIX асрнинг олтмишинчи йилларида шахсан вазир Ҳасанмурод қушбеги Бобожон Саноийга бир тарихий асар ёзиш таклифини қиласди ва бу масъулиятли ишни унга топширади. Табиийки, муайян давр ҳақида тарихий асар ёзиш ҳар кимнинг қўлидан келмайди ва бу жиддий вазифа ҳар кимга ҳам топширилавермайди. Муаллиф асарнинг кириш қисмида китобнинг ёзилиш сабабини шундай қиласди: “Аммо бу факиру ҳақирким, бебизоъату бесаранжом, визарот паноҳ, нажобат дастгоҳ вазири аъзам ва дастури акрам аъно Ҳасанмурод қушбенинг маҳзи иноятларидин ҳазрати олийжоҳи адолатпаноҳнинг Нуруллабой мавзеъидаги тоза бино масжидлариға имом эрдим, то бир кун визарот умурининг уқда күшоси, адолат русумининг доноси, яъни беки мазкур эҳсони мавфур бирла банд... (*шу ўринда матн ўчид кетган*)... қилиб юборибдурларким, Хоразм мамоликида хонлиғ афсари бирла сарафroz бўлғон ва фармораволиғ ва комронлиғ аврангига мумтоз бўлғон Кўнгирот подшоҳларининг аҳволлари ва таворихлари ҳар нечаким, зарринқалам фузалолар ва мушкинрақам шуаролар хомаи балоғат шиъор ва фасоҳат кирдорларин тақрир ва таҳрир топибдур. Лекин қўб-қўб иборатда фасоҳат ва балоғат изҳор этиб, сўзга татвил ва тақмил бериб ҳикоятини эл фаҳмидин узоқ қилибдурлар. Ондоғким, бу замон аҳлининг зеҳнлари ул маъонийлар дикқатидин қосир ва ожиздур. Ул сабабдин сан бир тарих жамъ этгилким, сўзи мўъжаз ва ўзи муҳтасар бўлсун. Ул тариқадаким, замон аҳлининг ҳүшлари етушгудек, балким авом аҳли тушгудек (*яъни, тушиунгудек*) нусха ёзғил, токим сандин ва бизлардин ёдгор бўлсун. Ва қолғон авлоду аҳфод ва тамоми хешу ақраболаримизға аслу насабларимиз событ ва пойдор бўлсун. Чун бу факир Мулло Бобожон ибн Худойбердибек манқит Эшбуға қабиласидин, маъно аҳли эшикларининг гадойи, ал-мутахаллас бис Саноий ғаффараллоҳу таоло зунубахима ва саттараллоҳу таоло уюбаҳимага бу баҳжатасар хабар етушгандин сўнгра ўзимни муаррих жамоълариға мунхарит этиб, асҳоби каҳф итларидек оларнинг излариға ияришиб, бу таворихни жамъ этмакка машғул бўлдим...”

Эътибор берилса, ушбу келтирилган парчада Бобожон Саноийнинг инсон сифатида накадар хушхулқ, адаб сифатида анчайин етук малакага эга, муаррих сифатида қанчалик ростгўйлиги намоён бўлади. Хулқининг гўзаллигига далил - тарихни битишдек улуғ ишга киришар экан, буюк амални бажараётганидан фахрланиб, ўзини бу юксакликка ҳақдор санаган оҳангда сўз бошламади. Балки, аксинча ўзини факиру ҳақир, бебизоъат, яъни маънавий бисоти камлиги, ички ҳолати бесаранжом, яъни тартиб билан йўлга солинмаганини айтиб, аслида бундай улуғ ишга лойиқ эмаслигини эътироф этиш билан мавзуни очди. Бундай камтарлик Шарқ маданиятида юксак одоб-ахлоқнинг белгиси сифатида қадрланади. Айни камтарлик изҳоридан сўнг жумла маъноси тамоман ўзгариб, Ҳасанмурод қушбеги шахси *визарот паноҳ* – “вазирлик паноҳи”, *нажобат дастгоҳ* – “олижаноб иқтидор эгаси”, *вазири аъзам* – “бош вазир”, *дастури акрам* – “тузуклари ҳурматга лойиқ”, *маҳзи иноят* – “асл эътибор”, олийжоҳи адолатпаноҳ – “улуғ мартабали, адолатпарвар”, *визарот умурининг уқда күшоси* – “вазирлик ишларидаги тугунларни ечувчи”, *адолат русумининг доноси* – “адолат қоидаларини билувчи”, эҳсони мавфур – “эҳсони тўлиб тошган” каби қатор ижобий сифатлар билан зикр қилингани. Агар Ҳасанмурод қушбегига ёғилаётган бу мақтовлар сабабини фақат унинг мансаб эгаси эканига боғлаб қўйилса, Бобожон Саноийнинг адаблик салоҳияти камситилган, балки муаллиф ҳаққига хиёнат бўлиб қолади. Чунки бу ўринда Ҳасанмурод қушбенинг улуғланишига сабаб бўлган бирламчи омил унинг “вазири аъзам”лиги эмас, балки “Маъорифун наасаб”дек мўътабар китобнинг ташаббускори, битилаётган асарнинг дунёга келишига сабабчи шахс эканлигидир. Бобожон Саноийнинг ҳолат тақозо қилган шу хусусиятни англаши унинг балоғат ва фасоҳат илмida етук адаб эканига ҳам

далил бўлади. Негаки, қадим – Пайғамбарлар давридан тортиб, то замонасигача бўлган тарихни битишдек масъулиятли ишнинг бажарувчиси бўлгани ҳолда Саноий жараённи ўз шахси атрофида айлантирмасдан, ишга сабабчи бўлган инсонни олд сафга чиқариш билан акс эттириди. Бу эса муаллифнинг тарих битишдек жиддий вазифани ҳар нарсадан улуғ санаганини, айни пайтда муаллифнинг бу улуғ ишга муносиблигини кўрсатади.

Бобожон Саноийнинг адиллик малакасига далолат қиласиган яна бир жиҳат жумла ва улардаги ифодаларнинг гўзал саъж санъати асосига қурилганидир: *визарот паноҳ – најсобат дастгоҳ; вазири аъзам – дастури акрам; уқда кушиоси – адолат русумининг доноси; беки мазкур – эҳсони мавфур; афсари бирла сарафроз – комронлиг аврангида мумтоз; зарринқалам фузалолар – мушкинрақам шуаролар; хомаи балогат шиъор – фасоҳат кирдор; ҳушлари етушигудек – авом аҳли тушгудек; ёдгор бўлсун – собит ва пойдор бўлсун; маъно аҳли эшикларининг гадойи – алмутахаллас бис Саноий.*

**“Маорифун насаб” асари структураси ва таркиби.** Китоб анъанавий ҳамд ва соловот билан бошланиб, кейин китобнинг ёзилиш сабаблари баён этилган. “Муқаддима”да айтилишича, китоб беш мустақил боб ва хотимадан таркиб топган. Биринчи бобда Одам алайҳиссаломдан то Нуҳ алайҳиссаломгача бўлган пайғамбарлар тарихи зикр қилинган. Иккинчи боб баёни Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли Ёфас алайҳиссаломдан бошланиб, Қўнғирот уруғининг тарқалишигача давом этган ҳамда мўғул подшоҳларининг тарихи келтирилган. Учинчи бобда Қурлос авлодидан подшоҳлик қилган шахсларнинг мартабалари изоҳланган. Тўртинчи боб Элтузархоннинг отабоболари тарихига бағишлиланган ва охирги бешинчи бобда Элтузархоннинг туғилганидан то Бобожон Саноий яшаган давргача Хива, Хоразм салтанатида рўй берган воқеалар тарихи ёритилган. Китобнинг хотима кисмида муаллиф валий зотлар, уламолар, бек-амирлар, донишманд ҳакимлар, шоирлару фозиллар ҳаёти билан боғлиқ ажойибу ғаройиб ҳикоятларни жамлашни ният қилган, аммо бу қисм биз табдил қилган қўлёзмада мавжуд эмас.

Қўлёзмада акс этган мавзулар қизил сиёҳ билан ажратилган бўлиб, матннинг табдили вариантида улар алоҳида мавзу сифатида сарлавҳага олиб чиқилди. Бешта боб жами 70 та мавзуни ўз ичига олиб, мавзуларнинг боблар бўйича нисбати қуидагича:

Боб рақами	I	II	III	IV	V
Мавзулар сони	10	13	6	10	31

Боблар бўйича мавзулар сонидаги фарқларни матн контекстида қўлланган “достон” тушунчаси орқали изоҳлаш мумкин. Аввалги бобда 10 та мавзудан тўрттаси, иккинчи бобда 13 та мавзудан олтитаси, учинчи бобда 6 та мавзудан биттаси, тўртинчи бобда 10 та мавзудан саккизтаси, бешинчи бобда 31 та мавзудан йигирма биттаси “достон” тушунчаси англатган баъзи хусусиятларни ўзида *мажозан* акс эттирган. “Мажозан” дейишимизга сабаб асар контекстида ифодаланган бу тушунча адабиётшунослигимизда “достон” терминига берилган таърифга ҳакиқий маънода мос эмас. Достон туркий халқлар оғзаки ижодидаги эпик жанр. Халқ оғзаки ижодидаги достонлар воқеабанд сюжет асосига қурилган йирик ҳажмли асарлар бўлиб, унинг матни мусиқа жўрлигига ижро қилинган. Мумтоз адабиётдаги достонлар эса аруз вазнида маснавий йўлида ёзилган бўлиб, аксарияти яхлит воқеа асосидаги сюжетга қурилган. Шунингдек, сюжети изчил ва яхлит бўлмаган достонлар ҳам мавжуд. Улар турли ижтимоий-маънавий, ахлоқий-таълимий масалалардан баҳс юритувчи лиро-эпик характердаги фалсафий-таълимий ёки дидактик асарлардир. Юкорида айтганимиздек, “Маъорифун насаб”да қўлланган “достон” тушунчаси мажозий маънода бўлиб, унда реал тарихий воқелик адабий услубда тирик драматик композилялар орқали баён этилган.

**Хулоса.** Тарихий воқеаларни қаламга олар экан, муаллифдан тил воситаларини маҳорат билан қўллай олиш, нутқнинг экспрессивлигини таъминлай билиш қобилияти талаб қилинади. Шунинг учун ҳам тарихнавислик илмий ва бадиий жиҳатдан лаёкатли, моҳир шахсларга топширилган. Айни ёндашув сабабли адабиётшуносликда “тарихий наср” деган жанр пайдо бўлган. Бундай

ёдгорликлар жағон адабиётшунослигига доир манбаларда *тарихнавислик* (историография, *historiographies*) ёки *тарихий наср* (историческая проза, *historic prose*) каби истилоҳлар билан юритилади<sup>2</sup>. Адабиётшунос, манбашунос олим Ш.Нафасов тарихий хотиралар, солномалар ва ҳужжатларнинг тикланишига бўлган эҳтиёжни бадиий тарихий насрнинг шаклланишидаги муҳим омил сифатида санаган.<sup>3</sup> Бобожон Саноийнинг “Маъорифун насад” асарининг дунёга келиши ҳам шу эҳтиёж самарасидир. Чунки XIX аср иккинчи ярмидан то XX аср бошигача бўлган Хива хонлиги тарихи ижтимоий-сиёсий воқеаларга бой давр эди. Асарда акс этган ходисалар тарихи кўпроқ жанг жадаллар билан боғлик бўлса-да, бу харакат жараёни хонлик тарихида ўз мавеига эга бўлган шахсларнинг ўзаро инсоний муносабатларини, қайсири масалада адоватлашиб, яна қайсири масалада ўзаро келишгандарини ва шу тарзда ҳар бир томон ўзи ҳақ деб билган мақсад йўлида миллат келажаги учун курашгандарини ўзида гавдалантиради.

### Адабиётлар

1. Байнштейн О.Л. Западноевропейская средневековая историография. – М. –Л. 1964;
2. Бартольд В.В. Новый источник по истории Хорезма. Соч. Т.VIII. –М.:Наука, 1973.–С.578.
3. Бобожон Саноий “Маъориф ун-насад”. Кўлёзма. Германия. (Staatsbibliothek zu Berlin).
4. Norden E. Die antike Kunstprosa. Bd 1–2, Lpz. 1898; Bury J.B. The ancient Greek historians, N.Y., 1909; Peter H. Wahrheit und Kunst.
5. Н.Шодмонов. «Шоҳиду-л-иқбол» – адабий манба. Т.: Фан, 2009, 38-б.
6. Рензов Б.Г. Французская романтическая историография. – М. – Л. 1964
7. Шакирова Ш. Бобожон Саноийнинг фалсафий-ирфоний қарашларига доир асарлари. Шарқшунослик. Тошкент: ТошДШИ, 2006. №1. 145-148 б.; Бобожон Саноийнинг адабий-ирфоний мероси: филол. Фанлари номз. ... Дисс. Тошкент, 2018.
8. Hofman H.F. Turkish Literature: A Bio-Bibliographical Survey: Section III. Part 1. – Vol. 5. Utrecht, the Library of the University of Utrecht, 1969. –P.163.

<sup>2</sup> Байнштейн О.Л. Западноевропейская средневековая историография. – М. –Л. 1964; Рензов Б.Г. Французская романтическая историография. – М. – Л. 1964; Norden E. Die antike Kunstprosa. Bd 1–2, Lpz. 1898; Bury J.B. The ancient Greek historians, N.Y., 1909; Peter H. Wahrheit und Kunst. Geschichtsschreibung und Plagiat im klassischen Altertum. Lpz. –Б., 1911; Fueter E., Geschichte der neueren Historiographie, 3 Aulf., Münch. – Б. 1936.

<sup>3</sup> Н.Шодмонов. «Шоҳиду-л-иқбол» – адабий маъно. Т.: Фан, 2009, 38-б.